

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc.03/2025.27.12.T.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

РЎЗИБОЕВ АКБАРАЛИ ТУРСУНБОЕВИЧ

КАТАЛИЗАТОРНИ САМАРАЛИ ДЕТОКСИКАЦИЯЛАШ БИЛАН
ЎСИМЛИК МОЙЛАРИНИ ГИДРОГЕНЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

02.00.17 – «Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш
ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари»

Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2026

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Contents of the abstract of doctoral dissertation

Рузибоев Акбарали Турсунбоевич

Катализаторни самарали детоксикациялаш билан ўсимлик мойларини гидрогенлаш технологиясини такомиллаштириш..... 3

Рузобаев Акбарали Турсунбоевич

Усовершенствование технологии гидрогенизации растительных масел с эффективной детоксикации катализатора 29

Ruzibayev Akbarali Tursunboyevich

Improving the technology of hydrogenation of vegetable oils with effective catalyst detoxification..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 59

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc.03/2025.27.12.T.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

РЎЗИБОЕВ АКБАРАЛИ ТУРСУНБОЕВИЧ

КАТАЛИЗАТОРНИ САМАРАЛИ ДЕТОКСИКАЦИЯЛАШ БИЛАН
ЎСИМЛИК МОЙЛАРИНИ ГИДРОГЕНЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

02.00.17 - «Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш
ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари»

Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2026

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2025.3.DSc/T167** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tkti.uz) ва «Ziyounet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Серкаев Камар Пардаевич
техника фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Исабаев Исмоил Бабаджанович
техника фанлари доктори, профессор

Ахмедов Азимжон Нормўминович
техника фанлари доктори, профессор

Сагдуллаева Дилафруз Саидакбаровна
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология институти хузуридаги DSc.03/2025.27.12.T.42.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «12» «05» соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч. 32. Тел.: (99871)244-79-20, факс: (99871)244-79-17, e-mail: info@tkti.uz).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (408 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч. 32. Тел.: (99871)244-79-20).

Диссертация автореферати 2026 йил «20» «04» куни тарқатилди.
(2026 йил «20» «04» даги №224 рақамли реестр баённомаси).



С.М. Туробжонов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., профессор, академик

Х.И. Кадиров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби,
т.ф.д., профессор

Н.А. Хужамшукуров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси ўринбосари, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда аҳоли сонининг ортиб бориши билан юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига ва табиий ресурсларга талаб ортиб бориб, табиий хом ашё манбаларининг чекланганлиги туфайли улардан самарали фойдаланиш ва ресурстежамкор технологияларни такомиллаштириш муҳим масалалардан ҳисобланади. Айниқса, модификацияланган ёғлар ишлаб чиқаришда сифатли мойлар билан бирга паст навли мойларни қайта ишлаш технологияларини такомиллаштириш, ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш, хусусан, транс кислота миқдори меъёрлаштирилган ёғларни озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида қўллаш, маҳсулот таркибини муҳим бўлган ёғ кислоталари билан бойитиш, импорт ёғлардан ўзининг органолептик кўрсаткичлари билан устун турадиган маҳаллий ўсимлик мойларидан олинган қаттиқ ёғларни қўллаб янги турдаги маргарин рецептларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда ҳайвон ва ўсимлик ёғларини модификациялаш, уларни турли хил ёғ маҳсулотларининг рецептларига киритиш билан принципиал жиҳатдан янги хусусиятларга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, амалдаги технологик жараёнларни такомиллаштиришга қаратилган чуқур тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада ёғ ва мойларни модификациялаш, транс кислота миқдори меъёрлаштирилган ёғлар олиш, гидрогенлаш катализаторларини такомиллаштириш, уларни активлиги, селективлиги ва самарадорлигини ошириш, чуқур гидрогенланган ёғлар олиш, ёғларни металсизлантириш, ёғларнинг сифатини ошириш, қўлланиш соҳаларини кенгайтириш, ёғ ва мойларни переэтерификациялаш технологиясини такомиллаштириш, ёғларнинг ёғ кислота таркибини мақбуллаштириш ва енгил хазм бўлувчи ёғларни олиш бўйича кенг қўламли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Республикамизда ўсимлик мойларини гидрогенлашнинг ресурс тежамкор технологияларини ишлаб чиқиш, катализатор активлигини барқарорлаштириш ва сарфини камайтириш, чуқур гидрогенланган ёғлар олиш ва уларни переэтерификациялаш, импорт ўрнини босувчи қаттиқ ёғлар турлари ва қўллаш соҳаларини кенгайтириш, маҳаллий хомашёлар асосида транс кислота миқдори камайтирилган ёғ маҳсулотлари олиш технологияларини ривожлантириш бўйича салмоқли натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «саноатни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, маҳаллий хом ашё манбаларини чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ўзлаштириш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада катализаторларнинг активлигини барқарорлаштириб, чуқур гидрогенланган ёғлар олиш, улар асосида транс кислота миқдори меъёрлаштирилган, юқори сифатли ёғлар ишлаб чиқариш технологияларини яратиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 апрелдаги ПФ-4891-сон «Товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажми ва таркибини танқидий таҳлил қилиш, импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш тўғрисида»ги, 2020 йил 9 сентябрдаги ПҚ-4821-сон «Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2022 йил 6 июлдаги ПҚ-307-сон «2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасида инновацион ривожланиш стратегияси тўғрисида» ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 февралдаги ПФ-36-сонли «Республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси-нинг 2022 йил 37-сон «Республикада озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарув-чиларини янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида» қарори ҳамда, мазкур фаолият-га тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Ёғ ва мойларни каталитик модификациялаш технологияларини такомиллаштириш, янги катализаторларни синтез қилиш, уларнинг активлиги ва селективлигини ошириш, активлигини барқарорлаштириш, сифатли ёғлар олиш технологияларини такомиллаштириш бўйича жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Cornell University (АҚШ), American Oil Chemists' Society (АҚШ), Jiangnan University (Хитой), Ankara University (Туркия), Всероссийский научно-исследовательский институт жиров (Россия), Purdue University (Ҳиндистон), Ал-Форобий номидаги Қозоғистон миллий университети (Қозоғистон), Кубанский государственный технологический университет (Россия), Бухоро давлат техника университети, Тошкент кимё-технология институти (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Ёғларни рафинациялаш, модификациялаш ва транс кислота миқдорини камайтириш, физик-кимёвий ва реологик хусусиятларини аниқлаш, улардан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиясида рационал фойдаланишга оид олиб борилган тадқиқотлар юзасидан илмий натижалар олинган, жумладан ёғ ва мойларни каталитик модификациялаш технологияларини такомиллаштирилган, янги катализаторлар синтез қилинган (Всероссийский научно-исследовательский институт жиров (Россия), Кубанский государственный технологический университет (Россия)), озиқ-овқат маҳсулотлари

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.czu.cz, www.iitb.ac.in, www.unipage.net, www.cnr.it, www.put.poznan.pl, www.polandstudy.com, www.cextremelab.edu.rs, www.upm.es, www.umt.edu.pk, www.hotcourses.ru, www.gatech.edu, www.unist.ac.kr, www.tdtu.uz, www.tkti.uz, www.urmon.uz ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

такибида модификацияланган ёғлардан фойдаланишда тайёр маҳсулотларнинг хавфсизлиги ва сифат кўрсаткичлари аниқланган (American Oil Chemists' Society (AOCS) (АҚШ), Cornell university (АҚШ)), транс кислоталар миқдори меъёрлаштирилган ёғлар олиш ва уларни сифатини яхшилаш технологиялари яратилган (Jiangnan University (Хитой), Ankara university (Туркия)), катализатордан самарали фойдаланиб ёғларни каталитик модификациялаш технологиялари такомиллаштирилган (Purdue university (Ҳиндистон), Ал-Форобий номидаги Қозоғистон миллий университети (Қозоғистон)), маргарин, спред ва шу каби ёғли эмульсияли маҳсулотларида транс кислоталар миқдорини камайтириш мақсадида переэтерификацияланган ёғларни рецептга киритиш технологияси такомиллаштирилган (Тошкент кимё-технология институти, Бухоро давлат техника университети, Ўзбекистон).

Дунёда ёғларни гидрогенлаш катализаторларининг активлигини ошириш ва барқарорлаштириш технологияларини такомиллаштириш, саломас сифатини яхшилаш, транс кислоталар миқдорини камайтириш ва рафинациялашнинг самарадорлигини ошириш бўйича қатор устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, ёғ ва мойларни модификациялаш жараёнларида катализатор активлигини транс кислоталар ҳосил бўлишига таъсир механизмини аниқлаш, ёғларни мисцеллада гидрогенлаш технологияларини соддалаштириш, ёғ ва мойларни переэтерификациялаш орқали мақбул кўрсаткичларга эга ёғ маҳсулотлари олиш технологияларини амалиётга жорий этиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўсимлик мойини гидрогенлаш ва переэтерификациялаш жараёнларини тадқиқ қилиш, қўлланиладиган катализаторларнинг активлиги ва самарадорлигини ошириш, саломас ва переэтерификатларни сифатини ошириш, транс кислота миқдорини камайтириш, хом ашё сифатини катализатор активлиги ва жараён тезлигига таъсирини ўрганиш ҳамда мавжуд муаммоларни баратараф этиш бўйича G.R. List, J.W. King, L. Lloyd, F. D. Gunstone, H.N. Cheng, J. Wisniak, L.F. Albright, K. Toshtay, A.B. Auezov, J. Sanders, W. Balakos, A.E.W. Beers, A. Tekin, J. Edvardsson, S. Irandoust, K. S. Holla, A.C. Носков, A.J. Dijkstra, Д.А. Прозоров, A. Zbikowska, Л.М. Рабинович, А.П. Нечаев, В.В. Ключкин, Н.С. Арутюнян, А.Н. Лисицин, А.А. Абдурахимов, Ю.К. Кадиров, С.А. Абдурахимов, К.Х. Мажидов, И.Б. Исабаев, Д.П. Рахимов ва бошқалар илмий-тадқиқот ишлари олиб боришган.

Улар томонидан мойлар таркибидаги ҳамроҳ моддалар қолдиқларининг катализатор активлиги ва гидрогенлаш жараёнининг тезлигига ҳамда селективликка, ҳарорат, водород босими, аралаштириш тезлиги каби технологик жараён кўрсаткичларининг гидрогенлаш тезлиги, ёғ кислоталарнинг изомерланиш жараёни, транс кислоталар ҳосил бўлишига таъсирлари ҳамда катализатор табиати ва технологик жараённинг турли шароитларида олинган гидрогенланган ёғларнинг хусусиятлари ўрганилган.

Шунингдек, ёғ ва мойларнинг аралашмаларини кимёвий ва ферментатив усулларда переэтерификациялаб, транс кислота миқдори камайтирилган қаттиқ, пастасимон ва қуюқ ёғлар олиш, уларни маргарин, спред, пишлок, музқаймоқ каби ёғ ҳамда бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида қўллаш

орқали сифатини яхшилаш йўналишларида илмий ишлар олиб борилмоқда

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ АМ-ФЗ-201908159 “Маҳаллий хомашёлар асосида функционал қўшимчалар билан бойитилган парҳезли маргарин олиш технологиясини ишлаб чиқиш” (2020-2022 йй), АЛ-7823051664 “Маҳаллий хомашёлар асосида шакар миқдори камайтирилган шоколадли паста ишлаб чиқариш” (2024-2025 йй) мавзусидаги амалий ва “Ўсимлик ёғларнинг перестерификация қилиш усули билан сут ёғи ўрнини босувчи ёғларни ишлаб чиқариш технологиясини яратиш ва амалга ошириш” (2022-2023 йй) мавзусидаги инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ёғларни гидрогенлаш жараёнида катализаторни детокциялашнинг самарали усулларини қўллаб ўсимлик мойларини чуқур гидрогенлаш технологиясини такомиллаштириш ва транс ёғ кислоталар миқдори меъёрлаштирилган ёғлар олишнинг илмий асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маргарин маҳсулотларининг ёғли фазасини ва пахта мойини никелли дисперс катализаторларда қисман гидрогенлаш жараёнини тадқиқ қилиш;

пахта мойидан чуқур гидрогенланган саломас олиш технологиясининг мақбул шарт-шароитларини аниқлаш;

ёғларни гидрогенлаш жараёнларида катализатор активлигининг барқарорлигига таъсир этувчи омилларни ўрганиш;

катализаторни детоксикация қилишнинг самарали усулларини қўллаб ўсимлик мойларини чуқур гидрогенлаш технологиясини ишлаб чиқиш;

ўсимлик мойларини дисперс катализаторларда чуқур гидрогенлаш технологиясини такомиллаштириш;

саломасни металсизлантириш технологиясини такомиллаштириш йўли билан саломас сифатини яхшилаш;

чуқур гидрогенланган ёғларни кимёвий перестерификациялаш технологиясининг мақбул шарт-шароитларини аниқлаш;

транс кислота миқдори меъёрлаштирилган ёғлар асосида маргарин олиш ва унинг сифат кўрсаткичларини ўрганиш;

катализаторни детоксикациялаш билан ўсимлик мойларини чуқур гидрогенлаш технологиясини саноатда қўллаш бўйича синов тажрибаларини ўтказиш ва унинг мақбул шарт-шароитларини аниқлаш;

транс кислота миқдори меъёрлаштирилган ёғ олиш ва уни маргарин саноатида қўллашда иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида маҳаллий пахта, кунгабоқар ва соя мойлари, никелли катализатор, натрий метилат, оқловчи тупроқ, активланган кўмир, натрийли ишқорлар ва бошқа қўшимчалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети турли сифат кўрсаткичларига эга бўлган ўсимлик мойларини чуқур гидрогенлаб транс кислота миқдори камайтирилган

саломас олиш, саломасни переэтерификациялаб транс кислота миқдори меъёрлаштирилган переэтерификатлар олиш ва ушбу ёғлар асосида маргарин рецептини шакллантиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида хомашё ва тайёр маҳсулот хоссаларини аниқлашнинг умумқабул қилинган ва махсус органолептик, физик-кимёвий таҳлил усулларида, жараёнларда кечадиган қонуниятларни асослашда назарий таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

ўсимлик мойларини қисман гидрогенлаб саломас олинганда таркибидаги транс ёғ кислота миқдори, катализатор активлигига қараб, белгиланган меъёрдан 10-22 баробар кўп бўлиши аниқланиб, катализатор активлиги жараён тезлигига тўғри ва транс кислота миқдorigа тескари пропорционаллиги асосланган;

N-210, N-820 ва Ni:Cu катализаторларининг селективлиги, активлиги ва транс кислота ҳосил қилиш хусусиятлари $N-210 < Ni:Cu < N-820$ тартибда ўзгариши, транс кислоталар миқдори селективликка тескари пропорционаллиги исботланган;

озиқа саломаси олиш жараёнининг технологик режимларини такомиллаштириш орқали чуқур гидрогенланган саломас олинганда водород босими 5 баробар, ҳарорат 1,2 баробар ва катализатор миқдори 3 баробарга ортиши аниқланган;

паст сифатли пахта мойларини чуқур гидрогенлаш тезлиги юқори сифатли мойга нисбатан 2 баробаргача кам бўлиши асосланган;

оқловчи тупроқ ва активланган кўмирнинг 40:60 нисбатдаги аралашмасини детоксикант сифатида қўлланганда паст сифатли мойларни чуқур гидрогенлаш жараёни давомийлиги 1,1-1,2 баробарга қисқариши исботланган;

мойларни 75-80% концентрацияли мисцеллада гидрогенлаш жараён давомийлигини 20% гача, ҳароратни 10% гача, водород босимини 50% гача камайтириши аниқланган;

чуқур гидрогенланган саломасни металсизлантиришнинг такомиллаштирилган технологияси ишлаб чиқилиб, ишқорий рафинациялашда саломасдаги қолдиқ никел миқдорини 1,4, дистилляцияли рафинациялашда 2 баробаргача камайиши исботланган;

паст сифатли ўсимлик мойларидан транс кислота миқдори меъёрлаштирилган юқори сифатли ёғлар олишнинг комплекс технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

катализатор ва детоксикантлар аралашмасини бир неча босқичда бўлиб бериш усули билан паст сифатли мойлардан чуқур гидрогенланган саломас олиш мақбул параметрлари аниқланган;

мойларни мисцеллада чуқур гидрогенлаш орқали жараёнининг технологик режим кўрсаткичлари аниқланган.

юқори сифатли мойларни қисман гидрогенлаш технологиясини такомиллаштириб чуқур гидрогенлаш технологиясининг мақбул технологик

режимлари ишлаб чиқилган;

оқловчи тупроқ ва активланган кўмирнинг 40:60 нисбатдаги аралашмасини детоксикант сифатида қўллаб ўсимлик мойларини чуқур гидрогенлашнинг жадаллаштирилган технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги хом ашё ва маҳсулотларни таҳлил қилишда замонавий, содда ва тезкор усулларни қўлланилгани, детоксикантларни қўллаш ва ҚДАни бўлиб бериш билан катализаторни детоксикациялаб, ўсимлик мойларидан чуқур гидрогенланган саломас олинганлиги, саломасни переэтерификациялаб олинган ёғни қўллаб тарнс кислота миқдори меъёрлаштирилган маргарин рецептларини ишлаб чиқилгани, ҳамда мойларни модификациялашнинг такомиллаштирилган технологияларини саноатга жорий қилинганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мойларни гидрогенлашда оқловчи тупроқ ва активланган кўмир аралашмаларини детоксикант сифатида қўшилганда мойдаги ҳамроҳ моддаларни самарали адсорбцияланиши ҳамда катализаторни бир неча босқичда бўлиб берилганда унинг активлигининг барқарорлигини таъминланиши туфайли чуқур гидрогенланган ёғ олинниши, мойни мисцеллада гидрогенлаш ва ишқорий рафинациялашда натрий силикатни қўллаш орқали олинадиган саломаснинг сифат кўрсаткичларини яхшиланиши, ҳамда саломасни переэтерификациялаш натижасида транс кислота миқдори меъёрлаштирилган ёғ олиш имкониятларининг илмий асослангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти катализаторни детоксикациялашнинг самарали усулларини қўллаб юқори ва паст сифатли мойларни чуқур гидрогенлаш технологиясини ишлаб чиқилганлиги, саломасни металсизлантириш технологиясини такомиллаштириш орқали юқори сифатли саломас олингани, саломасни переэтерификациялаб транс кислота миқдори меъёрлаштирилган ёғ олинганлиги ва ушбу ёғни маргарин рецептига киритиш орқали импорт ёғ сарфини камайтиришга тавсия этилганидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ёғларни гидрогенлаш жараёнида катализаторни детоксикациялашнинг самарали усулларини қўллаб ўсимлик мойларини чуқур гидрогенлаш технологиясини такомиллаштириш, транс кислота миқдори меъёрлаштирилган ёғлар ишлаб чиқариш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

пахта мойини чуқур гидрогенлашнинг катализаторни детоксикациялаш билан такомиллаштирилган технологияси Ўзбекистон Республикаси Ёғ-мой саноат корхоналари уюшмасининг «2025-2027 йилларда амалиётга жорий этиладиган ишланмалар рўйхатига киритилган» (Ўзбекистон Республикаси Ёғ-мой саноат корхоналари уюшмасининг 2025 йил 8 августдаги КС/3-257-сон маълумотномаси). Натижада гидрогенлаш жараёнининг давомийлигини мой сифатига қараб 3,15-5,00 соатдан 2,95-4,06 соатгача камайтириш, яъни 1,07-1,23 баробарга қисқартириш, йод сони 7,3-26,1% I₂ бўлган чуқур гидрогенланган саломас олиш имконини берган;

чуқур гидрогенланган пахта саломаси ва пахта мойини переэтерифика-

циялаш технологияси Ўзбекистон Республикаси Ёғ-мой саноат корхоналари уюшмасининг «2025-2027 йилларда амалиётга жорий этиладиган ишланмалар рўйхатига киритилган» (Ўзбекистон Республикаси Ёғ-мой саноат корхоналари уюшмасининг 2025 йил 8 августдаги КС/3-257-сон маълумотномаси). Натижада пахта саломаси ва пахта мойи 10:90, 20:80, 25:75 нисбатларида переэтерификациялаб транс кислоталар миқдори 2 % дан кам маҳсус ёғлар олиш имконини берган;

транс кислота миқдори камайтирилган ёғларни маргарин саноатида қўллаш технологияси Ўзбекистон Республикаси Ёғ-мой саноат корхоналари уюшмасининг «2025-2027 йилларда амалиётга жорий этиладиган ишланмалар рўйхатига киритилган» (Ўзбекистон Республикаси Ёғ-мой саноат корхоналари уюшмасининг 2025 йил 8 августдаги КС/3-257-сон маълумотномаси). Натижада транс кислота миқдори 2% дан ошмаган маргарин ишлаб чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари маъруза кўринишида 7 халқаро ва 13 республика илмий-техник анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 1 та патент, 6 та монография, 38 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари (DSc) асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 18 та мақола, жумладан 7 та маҳаллий ва 11 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ёғларни каталитик модификациялаш назарияси ва технологиясининг ҳозирги ҳолати**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган илмий тадқиқотларнинг натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг таҳлили баён этилган. Маълумотлар умумлаштирилган ва илмий таҳлил қилинган. Ёғ ва мойларни модификациялаш технологиялари ҳақида умумий тушунчалар, ёғларни гидрогенлаш технологияларида инновацион ёндошувлар, ёғларни гидрогенлаш катализаторлари ҳамда мойларни чуқур гидрогенлаш жараёнини такомиллаштириш ва транс кислота миқдорини камайтириш бўйича тадқиқотлар ҳақида маълумотлар келтирилган

ва шарҳланган. Ёғларни гидрогенлаш катализаторларини тако-миллаштириш, уларнинг активлигини ошириш ва янги турларини синтез қилиш тадқиқотчилар томонидан кенг ўрганилган. Транс кислота миқдори меъёрлаштирилган ёғларни ишлаб чиқариш ва мойларни чуқур гидрогенлаш технологиялари бўйича муаммолар етарлича ўрганилмаганлиги келтириб ўтилган. Илмий адабиётлардаги манбалар асосидаги хулосалардан келиб чиқиб, диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати, мақсади ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг «**Ёғ ва мойларни каталитик модификациялашда тадқиқот методикаси ва тажриба техникаси**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда қўлланилган ёғ ва мойларнинг тавсифи, мойларни модификациялаш, рафинациялаш ва маргарин тайёрлаш учун лаборатория қурилмалари, тадқиқотда қўлланилган катализатор ва детоксикантларнинг тавсифи, хом ашё ва маҳсулотларни таҳлил қилиш усуллари бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Катализаторни детоксикациялашнинг самарали усуллари билан ўсимлик мойларини гидрогенлаш технологиясини тако-миллаштириш**» деб номланган учинчи боби ўсимлик мойларини гидрогенлаш жараёнининг тезлиги ва катализатор активлигига таъсир этувчи омилларни тадқиқ қилиш, ёғларни гидрогенлаш жараёнларида катализатор активлигини барқарорлаштириш, катализаторни детоксикациялашнинг самарали усуллари билан ўсимлик мойларини гидрогенлаш технологиясини такомиллаштириш ва жараённи жадаллаштиришга бағишланган.

Республикамизда ишлаб чиқарилаётган қаттиқ ва қуйма маргаринлар, ҳамда қандолат ёғларининг ёғли фазалари таҳлил қилинган, физик-кимёвий кўрсаткичлари ва ёғ кислота таркиби ўрганилган (1-жадвал).

1-жадвал

Маргарин маҳсулотларининг физик-кимёвий кўрсаткичлари

№	Намуна рақами	Физик-кимёвий кўрсаткичлари					Ёғ кислота таркиби						
		Кисл, град. К	W, %	T _{эп} , °С	П.с., ммол О/кг	Ёғ %	C _{14:0} , C _{14:1}	C _{16:0} , C _{16:1}	C _{18:0}	C _{18:1}	C _{18:2}	Б.ё.к.	Транс ё.к
1	М-1	0,7	22,8	33	1,2	74,4	0,7	26,6	5,1	34,5	32,3	0,8	5,2
2	М-2	0,8	34,9	35	1,6	60,8	0,5	22,2	5,8	42,8	27,8	0,9	5,8
3	М-3	0,9	20,7	32	1,7	75,0	2,6	25,3	4,0	26,2	33,8	8,1	0,4
4	М-4	0,5	35,2	36	1,4	60,6	0,4	16,9	8,7	54,7	18,7	0,6	7,6
5	М-5	0,5	42,0	36	1,6	55,0	1,1	21,1	7,5	51,6	18,0	0,7	7,7
6	М-6	0,5	37,7	35	1,4	46,5	0,9	32,4	5,6	45,4	14,3	1,4	4,3
7	М-7	0,9	35,4	34	3,4	60,0	1,1	25,7	5,4	36,3	30,4	1,1	8,5
8	ҚМ-1	1,1	15,2	36	2,1	81,4	2,4	35,8	5,1	23,5	28,4	4,9	0,4
9	ҚМ-2	1,2	16,7	35	2,4	80,8	0,7	20,4	5,8	54,1	17,8	1,3	24,2
10	ҚМ-3	1,1	17,1	37	2,8	80,1	0,6	22,5	5,8	56,2	13,8	1,2	25,1
11	ҚЁ-4	1,5	0,4	39	4,1	99,6	0,8	22,4	6,0	56,2	13,4	1,3	28,7
12	ҚЁ-5	1,9	0,3	38	3,4	99,7	0,8	22,1	6,5	54,6	14,9	1,2	22,6

1-жадвалдан кўринадики, маргарин маҳсулотларининг эриш ҳарорати 33-39 °С, кислоталилик 0,5-1,9°К, намлик ва учувчан моддалар миқдори 0,3-42,0% ни ташкил қилган. Барча намуналар кўрсаткичлари бўйича меъёр талаб-ларига

мос келади. Тўйинган ёғ кислоталарнинг масса улуши 26,0% дан 43,3% гача, тўйинмаган ёғ кислоталарнинг масса улуши 52,0% дан 73,5% гача ташкил этиб, транс кислоталарни энг кам миқдори М-3 ва ҚМ-1 намуналарида (0,4%) кузатилди. Қолган барча намуналардаги транс кислоталар миқдори 4,3-28,7% ташкил этиб, бу рухсат этилган миқдор(2%)дан бир неча марта юқори ҳисобланади. Бу озика саломаслари қўлланилганлигини билдиради. Шу сабабли саломасларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари таҳлил қилинди (2-жадвал).


2-жадвал

Маргарин ишлаб чиқаришда қўлланилаётган саломасларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари


Саломас намуна рақами	К.с., мг КОН/г	W, %	T _{эп} , °C	П.с., ммол О/кг	Ni миқд., мг/кг	C _{14:0} , C _{14:1}	C _{16:0} , C _{16:1}	C _{18:0}	C _{18:1}	C _{18:2}	Бошқа ё.к.	Транс ё.к.
1	0,45	0,12	36	7,4	0,81	0,7	22,6	6,2	56,3	13,2	1,0	30,5
2	0,33	0,15	34	6,5	0,85	0,8	23,2	5,9	55,9	13,1	1,1	28,6
3	0,37	0,11	38	7,3	0,73	0,9	23,3	6,2	56,5	12,2	0,9	30,8
4	0,40	0,13	39	7,0	0,69	0,7	22,9	5,8	56,6	12,9	1,1	32,5
5	0,38	0,11	33	6,9	0,92	0,8	23,1	6,4	55,4	13,3	1,0	27,9
6	0,42	0,14	36	8,3	0,95	0,1	6,3	8,3	81,6	1,9	1,8	45,4
7	0,31	0,11	38	8,1	0,83	0,1	6,2	9,5	80,7	1,7	1,8	43,7

2-жадвалдан кўринадикки, саломасларнинг кислота сони 0,31-0,75 мг КОН/г, намлик ва учувчан моддалар миқдори 0,11-0,15%, эриш ҳарорати 34-39°C, перекис сони 6,5-8,3 ммол О/кг, никел миқдори 0,69-0,95 мг/кг ни ташкил этиб, барча кўрсаткичлар белгиланган меъёр талабларига мос келади. Саломаслар таркибида тўйинган ёғ кислоталар 14,7-30,4% ни, тўйин-маган ёғ кислоталар 68,7-83,5% ни ва транс кислоталар 27,9-45,4% ни ташкил этган.

Озика саломаслари таркибидаги транс кислоталар миқдорини камайтириш учун мойларни қисман гидрогенлаш жараёнлари тадқиқ қилинди. Бунинг учун I-нав пахта мойини N-820(0,1%), N-210(0,2%), Ni:Cu(0,2%) катализаторлар иштирокида, 180°C да 120 минут давомида гидрогенланди (1- ва 2-расм).



1-расм. Пахта мойини гидрогенлаш жараёнида йод сони фарқи (ΔЙ.с.) нинг вақт бирлигида ўзгариши



2-расм. Пахта мойини гидрогенлаш жараёнида саломас эриш ҳарорати (T_{эп}) нинг вақт бирлигида ўзгариши

1-расмдан кўринадики, пахта мойининг йод сони N-210 да 108,5 % I₂ дан 71,3 % I₂ гача, Ni:Cu да 55,8 % I₂ гача ва N-820 да 53,8 % I₂ гача камайган. ДЙ.с. нинг энг катта қиймати N-820 да ва энг кичик қиймат N-210 да кузатилган.

Саломас эриш ҳароратининг вақт бирлигида ўзгариши Ni:Cu ва N-820 катализаторларида жараён давомийлигига тўғри пропорционал ўсиб борган, N-210 катализаторида аввал интенсив ўсиб, кейин ўсишда пасайиш кузатилган (2-расм). Бу транс изомерларнинг ҳосил бўлиши билан тушунтирилади.

Пахта мойини гидрогенлашда катализатор миқдорининг реакция тезлигига таъсири тадқиқ қилинди. Бунда катализатор миқдори мой массасига нисбатан N-820 да 0,05-0,15%, N-210 ва Ni:Cu ларда 0,15-0,25% оралиқларида олинди. Тажрибалар 180 °C да борди ва натижалари 3-жадвалда келтирилган.


3-жадвал

Пахта мойини гидрогенлаш жараёнига катализатор миқдорининг таъсири


Гидрогенлаш давомийлиги, мин	Катализатор миқдори, %								
	N-820			N-210			Ni:Cu		
	0,05	0,1	0,15	0,15	0,2	0,25	0,15	0,2	0,25
20	97,4	93,3	91,9	101,4	100,8	99,4	98,5	96,2	95,7
40	88,6	85,4	82,1	96,5	94,5	93,3	89,3	85,9	84,6
60	79,2	75,5	73,9	88,7	85,3	83,9	80,8	76,4	75,7
80	72,4	67,1	65,2	83,6	80,2	79,1	71,9	67,4	66,9
100	64,5	59,7	57,8	79,5	75,8	74,9	64,4	60,5	59,4
120	58,3	53,8	52,6	74,3	71,3	70,7	57,6	55,8	55,1

3-жадвалдан кўринадики, пахта мойини 120 минут гидрогенланганда унинг йод сони катализатор миқдorigа қараб N-820 да 52,6 % I₂ гача, N-210 да 70,7% I₂ гача ва Ni:Cu да 54,6 % I₂ гача камайган. Катализаторнинг мақбул миқдори 0,1% (N-820) ва 0,2% (N-210 ва Ni:Cu) эканлиги аниқланган.

Жараён ҳарорати ва катализатор табиатининг жараён селективлиги ва транс кислота миқдorigа таъсири ўрганилди (3- ва 4-расмлар).



3-расм. Пахта мойини гидрогенлаш жараёнининг селективлигини катализатор тури ва ҳароратга боғлиқлиги



4-расм. Пахта мойини гидрогенлаш жараёнида транс кислота миқдорининг катализатор тури ва жараён ҳароратига боғлиқлиги.

3-расмдан кўринадики, жараён селективлиги катализатор табиатига бево-сита боғлиқ бўлиб, N-210 иштирокида селективлик энг юқори қийматларни

намоён этган. Ҳарорат ортганда селективлик катализатор табиатига қараб пасайган. Селективлик ёғ кислоталарнинг изомерланиш жараёнига таъсир этиб, юқори селективликда изомерланиш ортади. Бироқ тажрибаларда бу қонуният кузатилмади, аксинча транс кислоталар ҳосил бўлиши жараён ҳароратига боғлиқлиги кузатилди. Буни 4-расмдагидан ҳам кўриш мумкин.

4-расмдан кўринадики, N-210 да ҳарорат 140 °C дан 200 °C гача ортганда транс ёғ кислота 38,5% дан 54,4% гача ҳосил бўлган. Графикда эгри чизик ҳароратга пропорционал равишда ўсиб борган. N-820 катализаторида ҳам шу қонуният сақланган, бунда транс ёғ кислота 41,1% дан 52,1% гачани ташкил этган. Ni:Cu катализаторида транс кислота миқдори 39,2% дан 46,4% гачани ташкил этган. Бунда эгри чизик 140 °C дан 160 °C гача жадал ўсган, 160 °C дан 180 °C гача ўсиш пасайган ва 180 °C дан 200 °C гача яна ўсиш кузатилган.

Пахта мойини қисман гидрогенлаш бўйича тажрибалардан катализаторлар активлиги N-210 < Ni:Cu < N-820 тартибда эканлиги аниқланган ва олинган озика саломасларда транс кислота миқдори кўп ҳосил бўлиши кузатилган.


Кейинги тажрибалар пахта мойини чуқур гидрогенлаб, транс кислота миқдорини камайтириш бўйича олиб борилди. Пахта мойи 180 °C да, 0,1 % миқдорда N-820 иштирокида гидрогенланди. Гидрогенлаш давомийлиги йод сони ўзгармас бўлгунча олиб борилди. натижалар 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Пахта мойини N-820 катализатор иштирокида гидрогенлашда транс кислота миқдорининг ўзгариши

Кўрсаткич номи	Гидрогенлаш давомийлиги, мин										
	20	40	60	80	100	120	140	160	180	200	220
Й.с., % I ₂	94,3	82,4	72,5	63,1	57,7	53,4	51,5	49,3	47,4	46,8	46,5
T _{эп.} , °C	28,0	32,1	34,2	36,2	37,8	39,1	40,0	41,1	41,5	41,7	41,8
Транс кис, %	28,2	32,5	34,0	34,5	33,1	31,4	28,1	25,2	24,3	23,5	22,9

4-жадвалдан кўринадики, пахта мойини N-820 иштирокида гидрогенланганда 220 минутдан кейин саломаснинг йод сони 46,5 %I₂ ўзгармас қийматгача пасайган. Саломасдаги транс ёғ кислоталар миқдори 22,9% ни ташкил этган.



5-расм. Пахта мойини N-820 катализаторида чуқур гидрогенлашда саломас йод сонининг катализатор миқдorigа қараб ўзгариши (% I₂)


Шу сабабли кейинги тажрибаларда катализатор (N-820) миқдори оширилиб, унинг мақбул миқдори аниқланди. Натижалар 5-расмда келтирилган.

5-расмдан кўринадики, саломас йод сонининг ўзгармас қиймати катализатор миқдори 0,1% бўлганда гидрогенлашнинг 200 минутада, 0,2% бўлганда 240 минутада, 0,3% ва 0,4% бўлганда 260 минутада кузатилган.


Саломаснинг йод сонини максимал даражада пасайишига қараб пахта мойини чуқур гидрогенлашда катализаторни мақбул миқдори 0,3% эканлиги аниқланди.

Пахта мойини чуқур гидрогенлашда жараён ҳароратининг таъсири ҳам ўрганилди. Бунинг учун пахта мойи 0,3% миқдоридаги N-820 катализаторида 160-260°C ҳароратларда гидрогенланди. Натижалар 6-расмда келтирилган.

6-расмдан кўринадики, пахта мойини чуқур гидрогенлашда ҳарорат гидрогенлаш тезлигига сезиларли таъсир этади. Саломас йод сони 160°C ҳароратда 52,4 % I₂ гача, 180°C ҳароратда 34,6 % I₂ гача, 200°C ҳароратда 20,9 % I₂ гача, 220°C ҳароратда 16,2 % I₂ гача тушган. 240°C ва 260°C ҳароратларда йод сони мос равишда 180 минутда ва 100 минутда 0 % I₂ гача тушган.




6-расм. Пахта мойини чуқур гидрогенлашда йод сонининг ўзгаришига жараён ҳароратининг таъсири



7-расм. Пахта мойини чуқур гидрогенлашда жараён ҳароратининг саломас кислота сонига таъсири

Ҳароратнинг ошиши глицидларнинг термик парчаланишини, ёғ кислота-ларнинг полимерланишини ва оксидланиш реакцияларини ҳам жадаллаштириб юборади. Буни 7-расмдан ҳам кўриш мумкин. 7-расмдан кўринадики, жараён 160-220 °C ларда олиб борилганда саломаснинг кислота сони 1,95-2,47 мг КОН/г ни, 240 °C да 3,12 мг КОН/г ва 260 °C да 3,84 мг КОН/г ни ташкил этган. Юқори ҳароратларда саломаснинг кислота сони баланд чиққан. Бу пахта мойини 220 °C дан юқори ҳароратларда чуқур гидрогенлаш самарасиз эканлигини билдиради.



8-расм. Пахта мойини чуқур гидрогенлашда водород босимининг таъсири

Пахта мойини тўлиқ гидрогенлашда водород босимининг таъсири ҳам ўрганилди. Бунинг учун пахта мойи 220 °C да, 0,1-5,0 МПа босимда интенсив аралаштирган ҳолатда олиб борилди. Натижалар 8-расмда.

8-расмдан кўринадики, водород босимининг 0.1 МПа дан 0.2 МПа га ортиши саломас йод сони 40,2 % I₂ дан 19,5 % I₂ гача пасайишига олиб келган. 0,5 МПа босимда 13,6 % I₂, 1 МПа да 6.1 % I₂ ва 2 МПа да 4,5 % I₂ ни ташкил этган. 2 МПа дан юқори

босимда гидрогенлаш сезиларли таъсир этмаган. Бу юқори босимларда катализатор юзасида водород концентрацияси ошиб кетиши сабабли, ёғ молекулаларини сорбцияланиши қийин бўлиши билан изоҳланади.

Рафинацияланган мойлар таркибида жуда оз миқдорда ҳамроҳ моддалар қолади. Бу моддалар гидрогенлашда катализаторнинг актив юзасига сорбцияланиб, активлигини пасайтиради, яъни уни захарлайди. Мойларни сифат кўрсаткичларини уларнинг гидрогенланиш хусусиятига таъсирини ўрганиш учун сифати турли хил бўлган пахта мойлари 0,3% N-820 иштирокида, 220⁰С да, 2 МПа водород билан 3 соат гидрогенланди. Натижалар 5-жадвалда келтирилган.

5- жадвал

Мойларнинг сифат кўрсаткичларини уларнинг гидрогенланиш хусусиятига таъсири

Мой кўрсаткичлари					Саломас кўрсаткичлари		
Мой намунаси	Ранги,қ.б.	W,%	Й.с.,% I ₂	К.с., мг КОН	Й.с., % I ₂	Дй.с.	Т _{эр.} °С
1	7	0,15	108,5	0,21	4,6	103,9	65,1
2	9	0,30	108,6	0,41	24,5	84,1	57,9
3	16	0,22	109,8	0,37	24,9	84,9	57,6
4	16	0,34	110,7	0,56	34,8	75,9	54,8
5	22	0,36	108,8	0,58	49,7	59,1	50,7
6	28	0,34	110,3	0,61	56,9	53,4	48,5
7	35	0,58	110,4	0,64	58,5	51,9	47,9

5-жадвалдан кўринадики, мой сифатининг пасайиб бориши билан унинг гидрогенланиш тезлиги(Дй.с.) ҳам камайиб боради. Мой рангининг 7 қ.б.дан 35 қ.б.гача, намлик ва учувчан моддалар миқдорини 0,15 дан 0,58% гача ва кислота сонини 0,22 дан 0,61 мг КОНгача ортиши гидрогенланиш тезлигини 104,9 дан 51,9 гача, яъни 2 баробар пасайишига олиб келди. Мойнинг сифати пасайиши билан гидрогенланиш жараёнининг секинлашиши катализатор юзасига ҳамроҳ моддаларни сорбцияланиши ва активлигини пасайиши билан тушунтирилади.

Оқловчи тупроқ ва активланган кўмирнинг индивидуал хоссалари ва селектив сорбциялаш хусусиятларидан унумли фойдаланиш мақсадида улардан детоксикантлар аралашмалари(ДА) тайёрланган. Пахта мойини ДА иштирокида 220 °С ва 0,3% катализатор билан 3 соат гидрогенлаб, ДА нинг жараёнга ва саломас сифат кўрсаткичларига таъсири ўрганилган (6-ва 7-жадваллар).

6-жадвал

Пахта мойини гидрогенлаш жараёнида ДА таркибининг саломас йод сонининг ўзгаришига таъсири

Гидрогенлаш давомийлиги	Детоксикантлар аралашмасининг таркиби (оқловчи тупроқ : активланган кўмир)									
	ДА-1 100:0	ДА-2 80:20	ДА-3 70:30	ДА-4 60:40	ДА-5 50:50	ДА-6 40:60	ДА-7 30:70	ДА-8 20:80	ДА-9 0:100	
30	86,9	86,2	85,5	85,0	84,5	84,0	83,4	82,7	81,5	
60	66,1	65,1	64,0	63,1	62,2	61,2	60,5	59,6	58,7	
90	48,9	47,8	46,5	45,3	44,0	43,0	42,3	41,6	40,5	
120	34,5	33,4	32,3	31,3	30,2	29,5	29,0	28,6	27,9	
150	23,9	22,9	21,8	20,9	19,8	20,5	21,9	21,0	21,3	
180	16,1	15,2	14,5	13,5	13,3	14,0	14,8	15,4	16,2	
210	12,0	11,3	10,7	10,3	10,1	10,6	11,3	12,1	12,7	

6-жадвалдан кўринадики, жараён бошида ДА таркибида активланган кўмирнинг масса улуши ортиб бориши билан йод сонини камайиши тезлашиб боради. 150 минутдан кейин активланган кўмирнинг ортиши сезиларли таъсир этмаган. ДА-5 қўлланилганда йод сони 10,1% гача камайган. Бу ушбу нисбатдаги аралашмада мойдаги каталитик захарли моддаларнинг миқдори камайиб, катализатор активлигининг барқарорлигининг ортиши билан изоҳланади.

7-жадвал

Детоксикантлар таркибининг саломас сифат кўрсаткичларига таъсири

Саломас кўрсаткичлари	Детоксикантлар аралашмасининг таркиби (оқловчи тупрок : активланган кўмир)								
	ДА-1 100:0	ДА-2 80:20	ДА-3 70:30	ДА-4 60:40	ДА-5 50:50	ДА-6 40:60	ДА-7 30:70	ДА-8 20:80	ДА-9 0:100
Йод сони, I ₂ %	12,0	11,3	10,7	10,3	10,1	10,6	11,3	12,1	12,7
Ранги, I ₂ мг	6	6	5	5	5	5	6	6	7
Кислота сони, мгКОН	4,0	3,8	3,6	3,3	3,2	3,2	3,4	3,5	3,6
Никель миқдори, мг/кг	13,6	13,7	13,8	14,0	14,2	14,3	14,7	15,0	15,2
Саломас унуми, %	95,13	95,25	95,31	95,37	95,43	95,49	95,55	95,61	95,73

7-жадвалдан кўринадики, ДА таркиби саломаснинг ранги, кислота сони, никель миқдори ва унумига ҳам таъсир этиб, энг яхши натижаларга ДА-4, ДА-5 ва ДА-6 да эришилган. Саломас рангини пасайиши оқловчи тупрокни филтрловчи қўшимча сифатида никел миқдорини камайтириши билан изоҳланади.

ДА нинг мақбул миқдорини аниқлаш учун 0,1-1,0 % миқдоридаги ДА-5 иштирокида пахта мойи гидрогенланди. Натижалар 8-жавалда келтирилган.

8-жадвал

Детоксикантлар миқдорининг гидрогенлаш жараёни ва саломас сифат кўрсаткичларига таъсири

Саломас кўрсаткичлари	Детоксикантлар аралашмаси(ДА-5)нинг миқдори										
	0	0,1	0,2	0,3	0,4	0,5	0,6	0,7	0,8	0,9	1,0
Йод сони, I ₂ %	25,0	20,2	14,1	12,3	10,4	9,1	9,08	9,06	9,04	9,02	9,0
Ранги, I ₂ мг	11	9	7	6	6	5	5	5	5	5	5
Кислота сони, мгКОН	4,0	3,8	3,6	3,3	3,2	3,2	3,2	3,1	3,1	3,1	3,1
Никель миқдори, мг/кг	17,8	17,0	16,1	15,3	14,2	13,8	13,6	13,5	13,3	13,2	13,1
Саломас унуми, %	99,3	98,4	97,4	96,4	95,4	94,5	93,5	92,5	91,5	90,6	89,6

8-жадвалдан кўринадики, ДА миқдори ортганда саломаснинг барча кўрсаткичлари яхшиланган. ДА миқдори 0,5% бўлганда энг яхши натижалар олинган ва йод сони 9,1 %I₂ гача тушган. Бу детоксикантсиз гидрогенлашга нисбатан тезлик 1,23 марта ошганини кўрсатади. Бошқа қийматларда унум пасайган.

Сифати паст мойларда юқори сифатли мойларга нисбатан ҳамроҳ моддалар миқдори анча кўп бўлади. Шу сабабли сифати паст мойларни гидрогенлашда катализатор активлигини барқарорлштириш учун уни токсик моддалар билан тўқнашув вақтини камайтириш лозим. Бунга реакция муҳитига киритилаётган катализаторни маълум вақт ораллиғида бўлиб бериш орқали эришиш мумкин.

Сифати паст мойларни гидрогенлаш жараёнини жадаллаштириш ва катализатор активлигини барқарорлаштириш учун 1-7 мой намуналари катализатор ва детоксикантлар аралашмаси(КДА)ни икки босқичда бўлиб бериш йўли билан гидрогенланди. КДАнинг ярми жараён бошланишида, қолган қисми эса 1


соатдан сўнг кўшилди. Натижалар 9- жадвалда келтирилган.

9- жадвал


Пахта мойини гидрогенланиш тезлигининг катализатор ва детоксикантлар аралашмасини бериш усулига қараб ўзгариши

Мой намунаси	КДАни бериш усули											
	бир босқичли						икки босқичли					
	30	60	90	120	150	180	30	60	90	120	150	180
1	19,4	46,1	71,8	88,0	96,5	99,7	13,3	25,5	71,5	91,4	100,4	102,7
2	17,3	41,7	60,4	75,5	84,2	86,5	12,6	22,4	66,9	86,8	95,7	98,4
3	17,1	41,4	60,8	75,1	83,4	85,4	12,4	22,3	65,4	85,4	93,9	96,3
4	15,7	35,4	52,3	65,7	71,0	73,5	11,1	20,5	61,4	82,4	90,8	91,9
5	14,7	33,5	50,6	63,9	69,0	71,5	10,6	19,6	56,8	79	87,2	88,9
6	13,7	28,8	42,9	56,5	63,5	66,2	9,8	16,8	53,5	76,1	84,2	85,6
7	12,8	27,0	41,3	54,6	61,6	63,9	9,5	16,3	52	74,4	82,1	83,5

9-жадвалдан кўринадикки, КДАни реакция муҳитига бўлиб киритиш, гидрогенланиш тезлиги(ΔЙ.с.)га, мой сифатига қараб таъсир этади. 1-намунада КДАни бир марта(95,9) ва бўлиб киритиш(97,5) гидрогенланиш тезлигига кам таъсир этган. 2 ва 3-намуналарда эса жараён камрок, яъни мос равишда 84,8 дан 89,0 гача ва 83,1 дан 88,6 гача тезлашган. Сифати паст мойларда эса тезликнинг кескин ўзгариши яққол намоён бўлди: 4- намунада 72,9 дан 81,2 га; 5-намунада 59,1 дан 73,1 га; 6-намунада 53,48 дан 68,9 га ва 7-намунада 49,9 дан 65,6 га ортган. КДАни бўлиб берилганда тезликнинг 60 ва 90 минутлар оралиғида мос равишда 11,8-25,5 дан 35,3-51,5 гача кескин ўзгариши ҳамма намуналарда катализатор концентрациясининг ортиши билан бирга янги кўшилган катализатор активлиги ҳисобига содир бўлади. Демак КДАни бўлиб бериш билан гидрогенлаш сифати паст мойларда яхши самара бериши маълум бўлди, яъни 1-мой намунасини гидрогенлаш тезлигини ошириши 1,87% бўлса, 7-мой намунасини гидрогенлашда бу 31,5%га тенг бўлди. Буни, ΔЙ.с. қийматининг гидрогенлаш давомида ўзгариши ифодаланган 9-расмдан ҳам кўриш мумкин.



(1-мой намунаси учун)



(7-мой намунаси учун)

9-расм. Реакция муҳитига катализаторни бериш усулини ΔЙ.с. қийматининг ўзгаришига таъсири

9-расмдан кўринадикки, 1-намунани гидрогенлашда КДА ни бир босқичда берганда ΔЙ.с. қиймати вақт ўтган сари аста ошиб борган, икки босқичда бўлиб берганда эса, кичикроқ қийматда аста кўтарилиб борган ва жараён сўнгида хар

икки график қиймати бўйича бир бирига яқин нуқталарга эга бўлган. Гидрогенлашнинг 180 минутада ҚДА ни бир босқичда берилганда саломаснинг йод сони 12,6 га тенг бўлса, ҚДА ни икки босқичда берилганда 10,3 га тенг бўлган.

7-намунани гидрогенлашда ҚДА ни бир босқичда берганда ДЙ.с. қиймати вақт ўтган сари пасайиб борган, икки босқичли берганда 60 минутгача пасаяди, сўнг кескин кўтарилиб боради. Бу жараённинг 60 минутгача катализатор миқдорини камлиги ва реакциядаги катализаторнинг заҳарланиши натижасида активлигини пасайиши билан тушунтирилади. 60 минутдан сўнг реакция муҳитига юқори активликдаги катализатор киритилгач унинг умумий активлиги ва концентрацияси ошиб, реакция тезлиги кескин ортади. Оқибатда жараён сўнггида реакциянинг ўртача тезлиги бир босқичли беришдагидан юқори бўлади.

ҚДАни бўлиб беришнинг самарали нисбатини ва неча босқичда бўлиб беришни аниқлаш, унинг жараён давомийлигига таъсирини ўрганиш ва меъёрий сифат кўрсаткичларига эга саломас олиш мақсадида 4-7 мой намуналари ҚДАни турли нисбатларда бўлиб бериш йўли билан гидрогенлаш йод сони ўзгармас қийматга етгунча гидрогенланди. Натижалар 10-жадвалда келтирилган.

10-жадвал

ҚДАни бўлиб беришнинг пахта мойини гидрогенлаш жараёнига таъсири

Тажриба рақами	Бериш миқдори, %			Гидрогенлаш давомийлиги, соат			
	жараён бошида	1 соатдан кейин	саломас й.с. 50-55 % I ₂ бўлганда	мой намунаси			
				4	5	6	7
1	100	-	-	4,18	4,42	5,2	5,78
2	90	10	-	4,08	4,30	5,05	5,58
3	80	20	-	4,0	4,16	4,91	5,38
4	80	10	10	3,86	4,02	4,78	5,25
5	70	30	-	3,75	3,91	4,68	5,19
6	70	15	15	3,62	3,83	4,50	5,08
7	60	40	-	3,38	3,57	4,19	4,64
8	60	20	20	3,34	3,53	4,15	4,60
9	50	50	-	3,40	3,58	4,25	4,71
10	50	25	25	3,38	3,56	4,12	4,58
11	50	30	20	3,32	3,47	3,94	4,23
12	40	60	-	3,64	3,82	4,38	4,81
13	40	30	30	3,84	4,02	4,70	5,13
14	30	30	40	4,02	4,19	4,94	5,4

10-жадвалдан кўринадики, ҚДАни икки босқичда бериб гидрогенланганда ҚДАнинг дастлабки порцияси миқдорини 100 %дан 60 %гача камайиб бориши билан жараён давомийлиги ҳам камайиб боради: 4-намунада 4,18 дан 3,38 гача; 5-намунада 4,42 дан 3,57 гача; 6-намунада 5,2 дан 4,19 гача ва 7-намунада 5,78 дан 4,64 гача камайган. Бироқ дастлабки порциянинг кейинги камайиши эса (9-ва 12-тажрибалар) гидрогенлаш вақтининг ортишига олиб келади. Бу гидрогенлашнинг дастлабки даврида катализатор концентрациясининг пастлиги ва кейинги порциянинг кўпроқ заҳарланиши натижасида активликнинг камайиши ва реакция тезлигининг пасайиши билан изоҳланади.

ҚДА ни уч босқичда бўлиб бериш икки босқичда бўлиб беришга нисбатан гидрогенлаш давомийлигини камайтирган. Буни 4,6,8,10,11-тажрибаларнинг

натижаларидан кўриш мумкин. Бунда гидрогенлаш давомийлиги ўртача 1,1-3,6% гача камайган. 9 ва 11-тажрибаларга қаралса, гидрогенлаш давомийлиги КДАни уч босқичда бўлиб берганда, икки босқичда бўлиб бергандагига нисбатан сезиларли даражада камаяди: 4- намунада 3,40 дан 3,32 гача; 5-намунада 3,58 дан 3,47 гача; 6-намунада 4,25 дан 3,94 гача ва 7-намунада 4,71 дан 4,23 гача камайган. Натижаларга кўра КДАни бўлиб беришнинг оптимал нисбати барча мой намуналарида икки босқичда 60:40 ва уч босқичда 50:30:20 бўлиб, бунда реакция тезлиги энг юқори қийматга эга бўлган ва КДАни уч босқичда бўлиб бериш самаралироқ таъсир этиши 6 ва 7-намуналарда яққолроқ намоён бўлган.

Демак, КДАни 2 ёки 3 босқичда бўлиб бериш пахта мойини гидрогенлаш давомийлигини, мой сифатига қараб, 4,18-5,78 соатдан 3,32-4,23 соатгача, яъни 1,25-1,37 марта камайтириши маълум бўлди.

КДАни бўлиб беришнинг оптимал қийматларида олинган саломасларни физик-кимёвий кўрсаткичлари аниқланди. Натижалар 11-жадвалда берилган.

11-жадвал

Олинган саломасларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари

Тажриба рақами	Мой намунаси рақами	Й.с. % I ₂	К.с., мг КОН	Т _{эп.} , °С	Ni миқдори, мг/кг
7	4	5,6	3,40	57,5	11,7
7	5	7,4	3,50	56,4	13,3
7	6	9,6	3,75	56,6	12,9
7	7	8,3	4,10	56,2	15,1
11	4	5,4	3,35	57,0	12,4
11	5	7,1	3,43	56,3	13,1
11	6	8,8	3,58	56,7	14,3
11	7	8,1	3,85	56,6	14,9

11-жадвалдан кўриниб турибдики, тажрибаларда олинган саломаслар йод сони ва эриш ҳароратига кўра O'zDSt бўйича стеарин ишлаб чиқариш учун мўлжалланган саломасга қўйиладиган талабларга мувофиқ келади.

1-7 мой намуналарини детоксикантсиз, детоксикант иштирокида ва КДА ни бўлиб бериш билан гидрогенлаб олинган саломасларнинг транс кислота миқдори таҳлил қилинди. Натижалар 12-жадвалда келтирилган.

12-жадвал

Мой сифати ва гидрогенлаш усулини транс кислота миқдорига таъсири

Мой намунаси	Детоксикантсиз		Детоксикант билан		КДАни бўлиб бериш	
	Саломас йод сони, % I ₂	Транс кислота миқдори, %	Саломас йод сони, % I ₂	Транс кислота миқдори, %	Саломас йод сони, % I ₂	Транс кислота миқдори, %
1	4,6	3,8	4,5	3,6	4,5	3,2
2	19,2	10,1	9,2	4,8	6,1	3,6
3	22,3	14,2	10,3	6,5	6,5	3,7
4	22,6	14,3	10,8	7,2	6,4	3,7
5	23,1	14,6	10,1	7,4	7,1	4,2
6	24,9	14,3	11,3	8,7	8,8	4,3
7	26,7	15,8	12,7	8,9	8,1	4,5

12-жадвалдан кўринадики, пахта мойини детоксикантсиз гидрогенланганда саломаснинг йод сони (й.с.) мой сифатига мос равишда 4,6 % I₂ дан 26,7 % I₂ гача,

транс кислота миқдори (т.к.м.) 3,8% дан 15,8% гача ташкил этган. Детоксикант иштирокида гидрогенланганда эса й.с. мой сифатига мос равишда 4,5 % I₂ дан 12,7 % I₂ гача, т.к.м. 3,6% дан 8,9% гача етган. Катализаторни бўлиб бериш билан гидрогенланганда эса й.с. 4,5-8,8 % I₂ ва т.к.м. 3,2-4,5% ни ташкил этган.

Диссертациянинг «Маргарин саноати учун юқори сифатли модификацияланган ўсимлик ёғларини ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш» деб номланган тўртинчи бобида мойларни дисперс катализаторларда чуқур гидрогенлаш технологиясини такомиллаштириш, мойларни паст ҳароратларда юқори критик эритувчиларда, мисцеллада гидрогенлаш, саломасни рафинациялаш ва металсизлантириш технологиясини такомиллаштириш, чуқур гидрогенланган ёғларни кимёвий переэтерификациялаш ва транс кислота миқдори меъёрланган ёғлар олиш ҳамда уларни маргарин рецептларида қўллаш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Чуқур гидрогенланган саломас ишлаб чиқаришда эритувчилардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш мақсадида пахта мойи эритувчи (гексан, экстракция бензини) иштирокида гидрогенланди. Бунинг учун 9-намунадаги пахта мойи ва экстракция бензинининг 50:50 нисбатдаги аралашмаларини 0,3 % катализатор, 0,5% детоксикант аралашмасини 3 босқичда бўлиб бериш билан ҳарорат 140-180°C, водород босими 0,5-2,0 МПа бўлган шароитларда 3 соат давомида гидрогенланди. Натижалар 13-жадвалда келтирилган.

13-жадвал

Пахта мойини мисцеллада чуқур гидрогенлаш жараёнида ҳарорат ва водород босимининг олинadиган саломас кўрсаткичларига таъсири

Ҳарорат, °C	Босим, МПа	Й.с., % I ₂	Транс кисл-р миқ., %	Т _{эр.} , °C	К.с., мг/КОН
140	0,5	10,8	5,0	53,5	2,3
160	0,5	10,2	5,8	55,3	2,5
180	0,5	10,0	6,0	56,1	3,0
140	1,0	10,0	4,2	54,3	2,2
160	1,0	9,5	4,8	54,9	2,8
180	1,0	9,2	5,2	56,2	3,2
140	2,0	9,8	4,0	54,6	2,4
160	2,0	9,3	4,7	55,2	2,4
180	2,0	8,7	5,0	56,4	2,6

13-жадвалдан кўринадики, ҳароратнинг 140 °C дан 180 °C гача ва босимнинг 0,5 МПа дан 2,0 МПа гача ортиши олинган саломаснинг йод сонини 10,8 % I₂ дан 8,7 % I₂ гача ва транс кислота миқдорини 6,0% дан 4,0% гача камайишига, эриш ҳароратини 53,5 °Cдан 56,4 °Cгача ва кислота сонини 2,2 мг КОН дан 3,6 мг КОН гача ортишига олиб келган. Ҳарорат 160 °C дан ва водород босими 1 МПа дан юқори бўлганда мойнинг қовушқоқлиги камаяди, водороднинг эрувчанлиги ва диффузияланиши ортади, реагентларнинг активланиш энергияси камаяди. Натижада реакция тезлиги ортиб, мой тўлиқ гидрогенланишга яқинлашади.

Пахта мойини N-820 катализаторида гидрогенлаб олинган тозаланмаган саломасларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари 12-жадвалда келтирилган. Гидрогенлаш давомийлигини ошириш билан мойларнинг ҳамроҳ моддалари миқдори термик парчаланиш (эркин ёғ кислоталарининг ҳосил бўлиши,

